

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НИЁЗОВ ҒУЛОМЖОН ЭШМУРОДОВИЧ**

**ЯНГИ КОРОНАВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯДА (COVID-19)  
ГОМЕОСТАЗНИНГ БАЪЗИ ГЕМОСТАТИК ФАКТОРЛАРИНИНГ  
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.10 - Юқумли касалликлар**

**ТИББЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухара – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ниёзов Гуломжон Эшмуродович**

Янги коронавирусли инфекцияда (COVID-19) гомеостазнинг баъзи  
гемостатик факторларининг клиник-патогенетик аҳамияти.....5

**Ниёзов Гуломжон Эшмуродович**

Клинико-патогенетическое значение некоторых гемостатических факторов  
гомеостаза при новой коронавирусной инфекции (COVID-19).....25

**Niyozov Gulomjon Eshmurodovich**

Clinical and pathogenetic significance of some hemostatic factors homeostasis in  
new coronavirus infection (COVID-19).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....52

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НИЁЗОВ ҒУЛОМЖОН ЭШМУРОДОВИЧ**

**ЯНГИ КОРОНАВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯДА (COVID-19)  
ГОМЕОСТАЗНИНГ БАЪЗИ ГЕМОСТАТИК ФАКТОРЛАРИНИНГ  
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.10 - Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухара – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2744 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Облоқулов Абдурашид Рахимович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедова Муборахон Джалиловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мирзаева Меҳринисо Ризаевна**  
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**Етакчи ташкилот:**

**Кубан давлат тиббиёт университети**  
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 12-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-саҳифа: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 12-уй. Тел./факс: +99865 223-00-50, Web sayt: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2024 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.  
(2024 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Ж.Тешаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Қ.Дўстова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**М.Т.Хамдамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ер юзида COVID-19 билан касалланган беморларда кўп органли яллиғланиш касалликларини келтириб чиқарадиган, ҳамда уларни юзага келтирувчи хавфли омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш замонавий инфектологиянинг энг муҳим тиббий ва иқтисодий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. 2020-йил 11-март куни ЖССТ янги коронавирус инфекцияси (ЯКВИ) эпидемиясини пандемия деб эълон қилди<sup>1</sup>. 21.01.2023 ҳолатида 672.987.785 одамга юқиб, 6.742.983 га яқин одамнинг ёстиғини қуритди. Республикамизда эса 250.360 одамга юқиб, 1637 ўлим ҳолатларига олиб келди.

Ушбу патология катта ёшлиларга нисбатан оғирроқ кечиб, ўлим кўрсаткичи 10-20% ташкил қилади. 60 ёш ва катталарда COVID-19 дан ўлимнинг энг юқори хавфи ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда COVID-19дан ўлим даражаси катталарда 2,8% ни, болаларда 1,7% ни ташкил этади.

COVID-19 хавфли касаллик бўлиб, ўткир енгил респиратор вирусли инфекция кўринишида кечиши, ҳамда ўзига хос асорати вирусли пневмония бўлган, унинг оқибатида ўткир респиратор дисстресс-синдром ёки нафас етишмовчилиги натижасида ўлим хавфи билан асоратландиган оғир кўринишда кечиши мумкин. Касалликнинг оғир шакллари кекса одамларда ва баъзи бир касалликлар, астма, диабет ва юрак хасталиклари мавжуд беморларда, кўпроқ ривожланиши мумкин.

Касаллик янги вирус туфайли келиб чиқади, инсонлар унга қарши иммунитетга эга эмаслар, шу сабаб барча ёш тоифасидаги одамлар инфекцияга чалинишга мойил бўлади. Вирус ҳаво-томчи йўли орқали аксириш ёки йўталиш пайтида ҳавога пуркалган вирус томчилари билан нафас олишда, шунингдек юзага тушган вирусни, кўзларга, бурунга ёки оғизга тегизиш билан тарқалади. Тахминан 15% ҳолларда, касаллик оғир шаклда, кислородли терапия қўллаш зарурати билан кечади, яна 5% да ҳолатларда беморлар аҳволи критик бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга, жумладан, вирусли инфекцияларни даволаш ва профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Шунга асосан COVID-19 нинг клиник ва лабораториявий хусусиятларини ўрганиш ҳамда ташхисот усулларини такомиллаштиришга янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup> World Health Organization (WHO), 2020 <https://www.who.int/director-general/speeches/detail/who-director-general-s-opening-remarks-at-the-media-briefing-on-covid-19---11-march-2020>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4891-сон қарори ва 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6035-сон фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** SARS-CoV-2 вирус сабабли келиб чиққан инфекция симптомларсиз ёки енгил шаклда, ҳамда ўлим хавфи юқори бўлган оғир шаклда кечиши мумкин, аммо тўлиқ клиник кўриниш ҳали аниқ эмас. Симптомлар зарарланишининг тахминан 5-6 кунда пайдо бўлиши, турғунлик даври эса 1-14 кунни ташкил қилиши мумкин [WHO, 2020].

Жорий йилнинг 11 март куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус COVID-19 коронавирус инфекциясини дунё бўйлаб тарқалишини расман пандемия деб эълон қилди. Коронавирус билан касалланган одамларнинг тахминан 80 фоизида касаллик енгил ёки ўртача шаклда, 13-14 фоизида – оғир шаклда, 4-6 фоизи эса интенсив терапия бўлимига госпитализация қилишни талаб қиладиган критик шакл ривожланади (Wu Z, McGoogan JM. 2020; Туйчиев Л.Н., Туйчиев Ж.Д., Фахриддинова Д.М., 2022). Катта ёш гуруҳидаги беморларда, кўшимча масалан, гипертония, диабет ва юрак-қон томир тизими касалликлари мавжудларда касалликнинг ўткир шакли ривожланиши ва ўлим хавфига кўпроқ мойил бўлганликлари қайд этилди (Иноятов А.Ш., Облокулов А.Р., Тешаев Ш.Ж., ва б. 2020; Zhou F, Yu T, Du R, et al. 2020). Тасдиқланган COVID-19 ташхиси қўйилган беморларнинг аксарияти одатда иситма, қуруқ йўтал, диспноэ, ҳолсизлик ва миалгия каби белгиларга эга. Коронавирус касалликларида камроқ учрайдиган симптомларига бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниш, қорин оғриғи, қусиш ва диарея киради (Guan W, Ni Z, Hu Y, et al. 2020). COVID-19 билан оғриган беморларда одатда қуруқ йўтал ва томоқ оғриғи каби респиратор симптомлар бўлиб, улар бош оғриғи, иситма ва миалгия (Guan W, Ni Z, Hu Y, et al. 2020) билан бирга келади. Li X. et al. (2020) 2020 йил 26 январдан 5 февралгача Хитойнинг Тунцзи шифохонасига COVID-19 билан ётқизилган беморларда хавф факторлари ва ўлим кўрсаткичи ўртасидаги боғлиқликни баҳолашди. Улар ретроспектив тарзда 548 нафар беморни (279 бемор оғир белгилар билан ва 269 нафар бемор енгил белгилар билан) ўрганишди ва натижаларни таҳлил қилишди. Беморларда тана ҳарорати кўтарилиши (95,2%), чарчоқлик ҳисси (47,1%), йўтал (75,7%) ва ҳансираш

(56,6%) асосий белгилар сифатида намоён бўлган. Оғир ва енгил шаклдаги беморларда ошқозон-ичак трактининг бузилиш симптомлари қусиш (9%; 7,4%) ва диарея (33,7%; 31,6%) каби белгилар деярли тенг миқдорда пайдо бўлган. Аммо оғир ҳолатдаги беморларда енгил аҳволдаги беморлардан фарқли равишда, қоринда кучли оғриқ (4,5%; 1,4%), бундан ташқари, гипоальбуминемия (72,9%; 45,8%) ва умумий билирубин миқдорининг кўтарилиши (12,6%; 6,3%) кузатилган (Li X., Xu S., Yu M., et al. 2020).

COVID-19 даврида, шунингдек, гемостаз тестларида протромбиннинг узайиши ва қисман тромбопластин вақтининг фаоллашиши ва D-димер даражасининг ошиши каби ўзгаришлар қайд этилган. COVID-19 кучайган ҳолларда D-димер даражаси ошади, периферик қон томирларида микротромблар пайдо бўлиши ва қон ивишининг такрорий бузилишлари юзага келади (Huang C., Wang Y., Li X., et al. 2020; Chan J.F., Yuan S., Kok K.H., et al. 2020; Jin Y.H., Cai L., Cheng Z.S., et al. 2020). 183 нафар COVID-19 беморининг ретроспектив тадқиқотида (Tang N., Li D., Wang X., Sun Z. 2020), протромбин вақти, D-димер ва касалхонага ётқизилганида ўлчанган фибрин/фибриноген деградацияси маҳсулотлари мос равишда тирик қолган беморларда тирик қолмаганларга қараганда юқори бўлган. Кеч касалхонага ётқизилганларда, антитромбин фаоллиги ва фибриноген даражаси омон қолганларда сезиларли даражада паст бўлган, бу касаллик пайтида нормал қон ивиш кўрсаткичлари прогнози билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатади (Галстян Г.М. 2020; Джураев М.Г. 2022).

Реанимация ва интенсив даволаш бўлимида ётқизилган беморларнинг лаборатория хусусиятларини солиштирганда, лейкоцитлар ва нейтрофиллар сонининг юқорилиги, D-димер, креатинкиназа, мочевино, креатинин, юқори сезгир тропонин I, прокальцитонин, ЛДГ, юқори даражалари каби бир қатор муҳим фарқлар аниқланган (Oblokulov, A.R., Husenova, Z.Z., Ergashev, M.M. 2021; Euden J, Pallmann P, Grozeva D, et al. 2022).

Guan *et al.* томонидан олиб борилган тадқиқотда Хитой турли вилоятлари маълумотларини бирлаштириб қизиқарли биокимёвий натижалар олган: СРО беморларнинг 60,7% кўтарилган эди, бактериал инфекция кўшилиб, COVID-19 кечишини оғирлаштирувчи ПКТ миқдори юқорилилиги 5,5% аниқланган, ЛДГ ошиши эса беморларнинг 41% да кузатилган. Оғир шакли ва ўртача оғир шаклига чалинган беморлар бу қийматлар мос ҳолда СРО учун 81,5% ва 56,4%; ПКТ учун 13,7% ва 3,7%; ЛДГ учун 58,1% ва 37,2% мос келган (Guan WJ, Ni ZY, Hu Y, et al., 2020).

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, SARS-CoV-2 инфекциясига шубҳа қилинган беморларга клиник ташхис қўйишда ёрдам берадиган ёки касалликнинг оғирлигини башорат қила оладиган ёки ҳатто уни кузатиш учун хизмат қиладиган гематологик ва биокимёвий ўзгаришлар ва бошқа параметрларни излаш амалий соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб вазифа ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2022 PhD 159) “COVID-19 дан кейинги даврда

Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** COVID-19 нинг клиник ва лабораториявий хусусиятларини ўрганиш ҳамда ташхисот усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

COVID-19 нинг клиник вариантлари бўйича хусусиятларини ўрганиш;

COVID-19 да клиник кечиш шаклларида клиник ва биокимёвий лаборатор кўрсаткичларининг аҳамиятини ўрганиш;

COVID-19 да қон ивиш кўрсаткичларини диагностик ва прогностик аҳамиятини ўрганиш;

COVID-19 да лаборатория маркерлари асосида коагулопатияни бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** 120 нафар бемор ўрганилиши кўзда тутилган.

**Тадқиқот усуллари.** Мақсадга эришиш учун клиник, иммунологик, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тромбоцитлар сони, протромбин вақти, D-димер, фибриноген ва антифосфолипид антитаначалари каби гемостатик гомеостазнинг кўрсаткичлари COVID-19 билан боғлиқ коагулопатиянинг предикторлари эканлиги исботланган;

коронавирусли инфекциянинг ҳар иккала шакли билан касалланган беморларда протромбин индекси назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган кўрсаткичларга нисбатан юқорироқ эканлиги аниқланган ва қон ивиш кўрсаткичларини диагностик ва прогностик аҳамияти ўрганилган бўлиб, илк бор COVID-19 билан боғлиқ коагулопатия хавфини аниқлаш шкаласи ишлаб чиқилган;

D-димер ва фибриноген миқдори назорат гуруҳига нисбатан юқориликча қолганлиги ва антифосфолипид антителалар миқдорининг меъёрлашгани, протромбин вақти тезлигини ошганлиги аниқланганлиги асосида қон ивиш кўрсаткичларини диагностик ва прогностик аҳамияти ўрганилган ва илк бор COVID-19 да оддий лаборатория маркерлари асосида коагулопатияни бошқариш алгоритми яратилган;

прокальцитонин – бактериал инфекция кўшилганлиги ва у туфайли касалликнинг жадаллашганлигидан далолат бериб, прокальцитонин ошиш даражаси COVID-19 га бактериал инфекция кўшилганлиги, вақтли антибактериал препаратлар буюрилиши ҳамда антибактериал терапия давомийлигини белгилаб бериши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

коронавирусли инфекцияда бактериал инфекция кўшилиши натижасида бактериал пневмония ривожланиш шаклларида вақтли ташхисот мақсадида ПКТ миқдорини қон зардобида аниқланиши касалликка вақтли ташхис қўйиш ва даволаш учун амалий аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берилган;

COVID-19 га боғлиқ коагулопатиянинг предикторларини аниқлаш

коагулопатия ва унга мойилликни вақтли аниқланиши, коагулопатия асоратларининг профилактикаси ва давосида муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботлаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий ишни бажариш жараёнида олинган натижалар ишончлилиги тадқиқотларда замонавий клиник, иммунологик, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги, етарли миқдордаги клиник материаллар олинганлиги, олинган натижаларни назарий ва амалий тасдиқлаш, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар маълумотлари билан таққослаганда уларнинг ишончлилиги, олинган хулосаларнинг асосланганлиги, шунингдек тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Ушбу иш натижаларининг тиббий самарадорлиги COVID-19 билан касалланган беморларда коагулопатия маркерларининг аҳамиятини ўрганишга асосланган. COVID-19 га боғлиқ коагулопатиянинг предикторларини аниқлаш коагулопатия ва унга мойилликни вақтли аниқлаб, мақсадли даволаш ва профилактика тадбирларини белгилаш учун хизмат қилади.

COVID-19 чалинган беморларга антибиотикларни асоссиз буюриш организмда қатор ўзгаришларни (ичак дисбиози, микроорганизмларнинг антибиотикларга мустаҳкамлигининг ошиши, аллергик реакциялар, жигар ферменти фаоллигини ошиши, иммун тизимнинг тушиши сусайиши) олиб келиши мумкин. Шундай экан, организмда юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар олди олинади ва клиник белгилар нисбатан тез сўниб бориб, йўқолади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сон маълумотномасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш тўғрисида Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2024-йил 6-сентябрдаги 04/7501-сонли хати Эксперт кенгашига тақдим этилган):

*биринчи илмий янгилик:* тромбоцитлар сони, протромбин вақти, D-димер, фибриноген ва антифосфолипид антитаначалари каби гемостатик гомеостазнинг кўрсаткичлари COVID-19 билан боғлиқ коагулопатиянинг предикторлари эканлиги исботланиш Бухоро вилояти Юқумли касалликлар шифохонасининг 01.02.2023 йилдаги 29/1-сон, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалининг 01.02.2023 йилдаги 14-сон ҳамда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 17.07.2024 йилдаги 01/400-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* COVID-19 билан касалланган беморларда коагулопатия маркерларининг аҳамиятини ўрганишга асосланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморлар орасида ушбу контингентдаги беморларни учраш даражасини камайтириш билан иқтисодий самарадорликка эришилган (Бухоро вилояти Юқумли касалликлар шифохонасининг прејскурантига кўра умумий COVID-19 билан касалланган беморларнинг даволаниш нархи 1 куни

360.000 сўмни ташкил қилади). *Хулоса:* COVID-19 билан оғриган беморларда тромбоемболик асоратлар хавфининг ошишини ҳисобга олган ҳолда, антикоагулянтларни ва биринчи навбатда майда молекуляр гепарин профилактик ва даволовчи восита сифатида қўллаш тавсия қилиниши имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* коронавирусли инфекциянинг ҳар иккала шакли билан касалланган беморларда протромбин индекси назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган кўрсаткичларга нисбатан юқорироқ эканлиги аниқланган ва қон ивиш кўрсаткичларини диагностик ва прогностик аҳамияти ўрганилган бўлиб, илк бор COVID-19 билан боғлиқ коагулопатия хавфини аниқлаш шкаласи ишлаб чиқиш Бухоро вилояти Юқумли касалликлар шифохонасининг 01.02.2023 йилдаги 29/1-сон, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалининг 01.02.2023 йилдаги 14-сон ҳамда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 17.07.2024 йилдаги 01/400-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* COVID-19 га боғлиқ коагулопатиянинг предикторларини аниқлаш коагулопатия ва унга мойилликни вақтли аниқлаб, мақсадли даволаш ва профилактика тадбирларини белгилаш учун хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморлар орасида ётоқ кунлари давомийлигини камайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган (Бухоро вилояти Юқумли касалликлар шифохонасининг прејскурантига кўра умумий COVID-19 билан касалланган беморларнинг даволаниш нархи 1 куни 360.000 сўмни ташкил қилади). *Хулоса:* COVID-19 билан касалланган беморлар қон зардобидаги прокальцитонин миқдорининг ошиш даражаси COVID-19 га бактериал инфекция қўшилганлиги, вақтли антибактериал препаратлар буюрилиши ҳамда антибактериал терапия давомийлигини белгилаб бериши имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* D-димер ва фибриноген миқдори назорат гуруҳига нисбатан юқорилигича қолганлиги ва антифосфолипид антителалар миқдорининг меъёрлашгани, протромбин вақти тезлигини ошганлиги аниқланганлиги асосида қон ивиш кўрсаткичларини диагностик ва прогностик аҳамияти ўрганилган ва илк бор COVID-19 да оддий лаборатория маркерлари асосида коагулопатияни бошқариш алгоритми яратиш Бухоро вилояти Юқумли касалликлар шифохонасининг 01.02.2023 йилдаги 29/1-сон, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалининг 01.02.2023 йилдаги 14-сон ҳамда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 17.07.2024 йилдаги 01/400-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* COVID-19 билан касалланган беморларда коагулопатияни бошқариш алгоритмида маркерларининг аҳамиятини муҳимлиги асосланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморларнинг ўзига хос клиникаси ҳамда янги текширувларнинг ишлаб чиқилганлиги орқали иқтисодий самарадорликка эришилган (Бухоро вилояти Юқумли касалликлар шифохонасининг прејскурантига кўра умумий COVID-19 билан касалланган беморларнинг

даволаниш нархи 1 куни 360.000 сўмни ташкил қилади). *Хулоса:* COVID-19га боғлиқ коагулопатиянинг предикторларини аниқлаш коагулопатия ва унга мойилликни вақтли аниқлаб, мақсадли даволаш ва профилактика тадбирларини белгилаш имконини бераган;

*тўртинчи илмий янгилик:* прокальцитонин – бактериал инфекция қўшилганлиги ва у туфайли касалликнинг жадаллашганлигидан далолат бериб, прокальцитонин ошиш даражаси COVID-19 га бактериал инфекция қўшилганлиги, вақтли антибактериал препаратлар буюрилиши ҳамда антибактериал терапия давомийлигини белгилаб бериши асосланиш Бухоро вилояти Юқумли касалликлар шифохонасининг 01.02.2023 йилдаги 29/1-сон, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалининг 01.02.2023 йилдаги 14-сон ҳамда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 17.07.2024 йилдаги 01/400-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* тадқиқот натижалари COVID-19 нинг клиник вариантлари бўйича хусусиятларини ўрганиш бўйича самарали усулларини ишлаб чиқиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва асоратларни олдин олиш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган (Бухоро вилояти Юқумли касалликлар шифохонасининг прејскурантига кўра умумий COVID-19 билан касалланган беморларнинг даволаниш нархи 1 куни 360.000 сўмни ташкил қилади). *Хулоса:* янги замонавий тадқиқот усулларни ишлаб чиқиш 1 нафар бемор ҳисобига 1 кунидаги бюджет маблағларини 30.000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Янги коронавирус инфекциясида гомеостазнинг баъзи гемостатик омилларининг клиник-патогенетик аҳамияти” мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар проректори томонидан 2024-йил 6-сентябрдаги 04/7501-сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг илмий ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Янги коронавирусли инфекция клиник-лабораториявий тавсифининг замонавий тасаввурлари»** деб номланган биринчи бобида сўнгги йиллардаги адабиётлар материаллари таҳлили батафсил ёритилган. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ютуқлари замонавий даражада чуқур таҳлил қилинган, шарҳда янги коронавирусли инфекциянинг этиологияси ва патогенези ҳақидаги замонавий ғоялари, COVID-19 нинг клиник-эпидемиологик кўринишларининг хусусиятлари ва уларнинг ташҳисот учун аҳамияти, гематологик, биокимёвий ва гемостатик маркерларнинг ташҳисий аҳамияти ҳақидаги тавсифлар берилган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг клиник тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминловчи тадқиқот материали ва усуллари келтирилган.

Барча тадқиқотлар Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонасида ўтказилди. Тадқиқотга касалхонага ётқизилиб, даволанган беморлар киритилди. COVID-19 ташҳиси пульмонолог маслаҳати ва лаборатория томонидан тасдиқланган таҳлиллар асосида ўрнатилди. Турли тадқиқот усуллари билан ташҳисот пульмонолог маслаҳатидан сўнг амалга оширилди.

Тадқиқот иши 2020 йилдан 2022 йилгача олиб борилган ва ушбу тадқиқотда иштирок этган беморларнинг умумий сони 120 кишини ташкил қилган ва назорат сифатида 20 нафар соғлом одам ҳам текширилган.

Беморларнинг жинси, ёши ва касалликнинг оғирлиги бўйича назорат гуруҳи беморларнинг асосий гуруҳига мос бўлган. Таққослаш гуруҳи қуйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда тасодифий танлаш йўли билан шакллантирилди: беморларнинг ёши 65 ёшдан ошмаган ва касаллик даврини 10 кундан кечиктирмай, ҳеч қандай бошқа касалликларга эга бўлмаган ҳолатда касалхонага ётқизилган.

Янги коронавирусли инфекция ташҳисоти эпидемиологик анамнез, касаллик тарихи, клиник белгилар: балғам, қийин ажралувчи йўтал, нафас олишни қийинлашиши, енгил зўриқишда ёки тинч турганда ҳансираш, умумий заҳарланиш белгилари (бош оғриши, танани қақшаб оғриши, уйқусизлик, анорексия, кўнгил айниши, қайт қилиш), эс-хуш даражасини пасайиши, шунингдек, лаборатория маълумотларига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 апрелдаги 82- сонли буйруғи билан тасдиқланган "COVID-19 коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсияларни (8-таҳрир) тасдиқлаш тўғрисида"ги услубий кўрсатмаси асосида

тавсия этилган ташхисот мезонларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган, унга кўра COVID-19 билан касалланган беморлар 2 вариантга ажратилган.

Тадқиқот маълумотларини статистик қайта ишлашда ўртача арифметик катталикни (M) ҳисоблаш билан вариацион статистика усули, ўртача арифметик катталик хатоликлари ( $\pm m$ ) ва нисбий катталик (частота %) ларда қўлланилган. Олинган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти ўртача катталиклар билан таққосланиб, Стъюдент мезони бўйича аниқланган (t) ва бунда хатоликлар эҳтимоли ҳисобланган (P). Статистик аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар учун тўртта муҳим даража қабул қилинган: юқори –  $P < 0,001$ , ўртача –  $P < 0,010$ , паст  $P < 0,050$ , аҳамиятсиз  $P > 0,050$ .

Диссертациянинг «**Коронавирусли инфекция билан касалланган беморларнинг касалхонага тушгандаги клиник ва лаборатор ўзгаришлар**» деб номланган учинчи бобида COVID-19 билан касалланган беморларда умумий клиник-эпидемиологик ўзгаришлар, қон биокимёвий таҳлили натижалари, яллиғланиш индикаторлари, COVID-19 касалланган беморларда ўтказилган коагулограмма натижалари ва инструментал текширув натижалари келтирилган.

Тадқиқот гуруҳларидаги беморларни жинсига кўра таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди: COVID-19 нинг ўрта оғир шакли билан оғриган эркаклар 23 (46,9%) киши, аёллар эса 26 (53,1%) кишидан иборат бўлган. COVID-19 нинг оғир шакли билан оғриган эркаклар 33 (46,5%) кишини, аёллар эса ўз навбатида 38 (53,5%) кишини ташкил этган.

Беморларни клиник белгиларнинг учрашига қараб таснифлаганда COVID-19 нинг ўрта оғир шакли билан касалланганларнинг 67,3% да йўтал, балғам ажралиши 49%, нафас қисилиши 51%, 59,2% да томоқ оғриғи, 87,8% да анорексия, 6,1% да диарея, 10,2% да кўнгил айниши, 6,1% да қусиш, 6,75 да қоринда оғриқ, 83,7% да бош оғриғи, 81,6%да тез чарчаш, 26,5%да бош айланиши, 28,6% да ҳид билишнинг йўқолиши, 16,3%да миалгия, 12,2% да чалкашлик, 22,4%да конъюктивит, 8,2% да кўздан ёш оқиши, 18,4%да терида турли хил тошмалар қайд қилинган.


Беморларни клиник белгиларнинг учрашига қараб таснифлаганда COVID-19 нинг оғир шакли билан касалланганларнинг 83,1% да йўтал, балғам ажралиши 57,7%, нафас қисилиши 57,7%, 64,8% да томоқ оғриғи, 18,3% да анорексия, 18,3% да диарея, 18,3% да кўнгил айниши, 12,7% да қусиш, 8,3% да қоринда оғриқ, 90,1% да бош оғриғи, 90,1%да тез чарчаш, 33,8%да бош айланиши, 35,2% да ҳид билишнинг йўқолиши, 12,7%да миалгия, 12,7% да чалкашлик, 34,7%да конъюктивит, 11,3% да кўздан ёш оқиши, 22,5%да терида турли хил тошмалар кузатилган.

Тана ҳароратининг кўтарилиши асосий белгилардан бўлиб, ўрта оғир шакли билан касалланган беморларнинг 63,3% да тана ҳароратининг  $\leq 37,9^\circ\text{C}$ , 36,7% да эса  $\geq 38^\circ\text{C}$  қайд қилинган бўлса, оғир шаклининг 33,8% да  $\leq 37,9^\circ\text{C}$  ҳамда 66,2% да  $\geq 38^\circ\text{C}$  эканлиги кўрилди.

Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда лейкоцитлар ўртача  $7,13 \pm 0,5 \times 10^9/\text{л}$ , назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача  $5,01 \pm 0,14 \times 10^9/\text{л}$  ни, лимфоцитлар ўртача  $1,34 \pm 0,11\%$ , назорат гуруҳида ўртача  $1,31 \pm 0,12\%$ , моноцитлар ўртача  $0,37 \pm 0,03\%$ , назорат гуруҳида эса ўртача

0,6±0,04%, эритроцитлар ўртача  $4,64 \pm 0,09 \times 10^{12}/\text{л}$ , назорат гуруҳидаги беморларда эса  $4,65 \pm 0,13 \times 10^{12}/\text{л}$ , гемоглобин  $139,7 \pm 3,3$  г/л, назорат гуруҳидаги беморларда  $137,35 \pm 2,56$  г/л, гематокрит кўрсаткичи  $0,39 \pm 0,009$  %, назорат гуруҳида  $0,44 \pm 0,02$  г/л, тромбоцитлар  $194 \pm 12,4 \times 10^9/\text{л}$ , назорат гуруҳидаги беморларда  $237,75 \pm 16,4 \times 10^9/\text{л}$ , ЭЧТ  $22,2 \pm 1,8$  мм/с, назорат гуруҳидаги беморларда  $5,35 \pm 0,57$  мм/с ни ташкил этган.


Қон биокимёвий таҳлилидаги муҳим кўрсаткичлар ҳисобланган АЛТ ва АСТ кўрсаткичлар ўрганилганда АЛТ миқдори ( $52,96 \pm 5,5$  Ед/л) касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган натижалар ( $22 \pm 2,46$  Ед/л) билан солиштириганда тахминан 2,5 маротаба ошган. Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда ( $60,7 \pm 6,25$  Ед/л) эса ушбу кўрсаткич касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларга нисбатан юқори ва назорат гуруҳидаги беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан деярли 3 маротаба ошган (1-расм).



**1-расм. Текширилаётган беморларда касаллик оғирлик даражасига қараб АЛТ ва АСТ миқдорининг ўзгариши (Ед/л)**

АСТ миқдори ҳам АЛТ каби касалликнинг ҳар иккала шаклида назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги қайд этилди. Бунда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда АСТ миқдори ( $46,08 \pm 4,5$  Ед/л) назорат гуруҳидаги беморларга ( $21,2 \pm 2,35$  Ед/л) нисбатан 2 баробарга кўплиги аниқланди. Касалликнинг оғир шаклидан азият чеккан беморларда эса ушбу кўрсаткич ( $50,3 \pm 5,2$  Ед/л) назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган натижаларга ( $21,2 \pm 2,35$  Ед/л) нисбатан тахминан 2,5 маротаба кўп эканлиги кузатилди.


Қондаги умумий оқсил миқдори натижалари таҳлил қилинганда касалликнинг оғир шакли ( $76,9 \pm 7,75$  г/л) билан касалланган беморларда ушбу кўрсаткич назорат гуруҳидаги беморлар кўрсаткичларидан ( $73,9 \pm 1,4$  г/л) оз миқдорда фарқ қилиши аниқланди (2-расм).



**2-расм. Текширилаётган беморларда касаллик оғирлик даражасига қараб умумий оқсил ва альбумин миқдорининг ўзгариши (г/л)**


Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда қайд этилган умумий оқсил миқдори ( $81,46 \pm 12,7$  г/л) билан таққослаганда эса касаллик оғир шакли билан касалланган беморларда умумий оқсил миқдори ( $76,9 \pm 7,75$  г/л) нисбатан пастроқ эканлиги кўрилди.

Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда  $19,6 \pm 0,95$  мг/л, оғир шакли билан касалланган беморларда  $20,3 \pm 0,84$  мг/л га назорат гуруҳидаги беморларда СРО текширилганда ушбу кўрсаткич  $3,7 \pm 0,29$  мг/л га тенг эканлиги аниқланди (3-расм).



**3-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг СРО миқдори даводан олдин**

Тадқиқот олиб борилаётган гуруҳларда ПКТ миқдори текширилганда касалликнинг ўрта оғир шаклидаги беморларда  $0,39 \pm 0,03$  нг/мл эканлиги кўрилди (4-расм)



**4-расм. Текширилаётган беморларда ПҚТ миқдорининг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (нг/мл)**

Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда эса ПҚТ миқдори  $0,75 \pm 0,03$  нг/мл бўлиб, назорат гуруҳидаги беморларда  $0,03 \pm 0,003$  нг/мл аниқланган натижаларга нисбатан анча юқори ҳисобланади.

**1-жадвал**

**Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг коагулограмма миқдори даводан олдин**

Коагулограмма кўрсаткичлари	Ўрта оғир	Оғир	Назорат
D-димер (мкг/л)	$357,9 \pm 42,15^{***}$	$391,3 \pm 69,46^{***}$	$125,4 \pm 8,8$
РТ (сек)	$14,84 \pm 1,95^{\wedge}$	$16,03 \pm 2,3^*$	$11,3 \pm 0,47$
ПТИ (%)	$110 \pm 4,7^{**}$	$121 \pm 12,93^*$	$91,5 \pm 3,6$
МНО	$0,96 \pm 0,02^{***}$	$0,95 \pm 0,01^{***}$	$0,85 \pm 0,01$
ФИБ (мг/л)	$3785,7 \pm 96,2^{***}$	$3865,5 \pm 84,1^{***}$	$2935,9 \pm 168,7$
АЧТВ (сек)	$33,84 \pm 4,38^{\wedge}$	$28,76 \pm 0,56^*$	$27,1 \pm 0,53$
APHL IgG (u/ml)	$14,0 \pm 1,4$	$18,1 \pm 3,2$	$10 \pm 0,5$
APHL IgM (u/ml)	$12,8 \pm 2,2$	$15,4 \pm 2,8$	$11 \pm 0,5$


Эслатма:  $\wedge$ - $P > 0,05$ ; \*- $P < 0,05$ ; \*\*- $P < 0,01$ ; \*\*\*- $P < 0,001$ ; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги беморларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги

Натижаларни умумлаштирганда коронавирусли инфекциянинг ҳар иккала шакли билан касалланган беморларда қайд этилган натижалар ПҚТ миқдорининг нормал миқдоридан  $> 0,05$  нг/мл ошганлиги кўрилди.

Коагулограммадаги кўрсаткичларнинг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (1-жадвал).

Тадқиқот давомида коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда коагулограмма натижалари таҳлил қилинганда қўйидагича натижалар олинди. Протромбин вақти (ПТВ) назорат гуруҳида ўртача  $11,3 \pm 0,47$  сек., касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган

беморларда ўртача  $14,84 \pm 1,95$  сек., коронавирусли инфекциянинг оғир шакли билан касалланганлар орасида ПТВ ўртача  $16,03 \pm 2,3$  сек. ни ташкил этди (5-расм).




**5-расм. Текширилаётган беморларда протромбин вақтининг (ПТВ) касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (сек)**

Бундан кўришиб турибдики, касалликнинг ўрта оғир ва оғир шакли билан касалланган беморлар орасида протромбин вақти сезиларли даражада узаяди.

Бунда касалликнинг ўрта оғир шаклидаги беморларда МНО ўртача  $0,96 \pm 0,02$ , касалликнинг оғир шаклида эса унинг қиймати ўртача  $0,95 \pm 0,01$  ни, назорат гуруҳида ўртача  $0,85 \pm 0,01$ , ташкил этди.

APHL IgG миқдори таҳлили қилинганда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ушбу кўрсаткич ўртача  $14,0 \pm 1,4$  u/ml, оғир шакли билан касалланганларда ўртача  $18,1 \pm 3,2$  u/ml ва назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача  $10 \pm 0,5$  u/ml эканлиги аниқланди. APHL IgM миқдори коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача  $12,8 \pm 2,2$  u/ml, касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача  $15,4 \pm 2,8$  u/ml ва назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача  $11 \pm 0,5$  u/mlни ташкил этди.



**6-расм. Текширилаётган беморларда антителоларнинг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (u/ml)**

Коагулограмма таҳлилида фибриноген (ФИБ) миқдорида ўзгаришлар

аниқланди. Коронавирусли инфекциянинг оғир ва ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ФИБ миқдори бир-биридан фарқ қилди (7-расм).



**7-расм. Текширилаётган беморларда ФИБнинг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (г/л)**

Касалликнинг ўрта оғир шаклида ФИБ миқдори ўртача  $3785,7 \pm 96,2$  г/л, касалликнинг оғир ўртача  $3865,5 \pm 84,1$  г/л ни, назорат гуруҳидаги беморларда ушбу кўрсаткич ўртача  $2935,9 \pm 168,7$  г/л ни ташкил этди (фибриногеннинг нормал миқдори 2-4 г/л).

Коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда D-димер миқдори текширилганда унинг миқдори ўртача  $357,9 \pm 42,15$  мкг/л, назорат гуруҳидаги беморларда эса ушбу кўрсаткич ўртача  $125,4 \pm 8,8$  мкг/л ни ташкил этди. Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда D-димер миқдори ўртача  $391,3 \pm 69,46$  мкг/л ни, назорат гуруҳида эса ўртача  $125,4 \pm 8,8$  мкг/л эканлиги аниқланди (нормада D-димер даражаси 0,0-500,0 мкг/л). (8-расм)



**8-расм. Текширилаётган беморларда D-димер миқдорининг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (мкг/л)**

